Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 130 (5421).
11 ИЮНЬ 1984 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ПРАВДА» САҲИФАЛАРИДА

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиевнинг 3—10 июнь кунлари Байкал—Амур магистрали бўйлаб қилган сафари ҳақида хабар берилган. Сафар вақтида регион меҳнаткашлари билан бўлган учрашувларда Шарқий Сибирь ва Узоқ Шарқда транспорт алоқаларини ривожлантириш, ана шу зонани социал-иқтисодий ривожлантиришда, унинг табиий бойликларини комплекс ривожлантиришда уларнинг роли масалалари диққат марказида бўлди.

● «Бригадирлар кенгаши» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МЕҲНАТ ВАХТАСИ

• Йиллик план муддатидан илгари

Шаҳар индустрияси ютуғи

Шаҳар саноат корхоналари коллективларининг Ўзбекистон ССР Компартиясининг 60 йиллигига бошқармасининг маълумотларига қараганда, саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича январь—май ойлари плани 101,6 процент бажарилди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича план 2,2 процентга ортиғи билан адо этилди. Бунинг ҳисобига 32,1 миллион сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарилди.

Шаҳар статистика фақиятли адо этдилар. маълумотларига қараганда, саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича январь—май ойлари плани 101,6 процент бажарилди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича план 2,2 процентга ортиғи билан адо этилди. Бунинг ҳисобига 32,1 миллион сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарилди.

Таъминот бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилишини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот реализация қилиш плани 98,1 процент бажарилди. Товар маҳсулотини реализация қилиш бўйича беш ойлик топшириқни Фрунзе районидан бошқа шаҳарнинг барча районлари бажарди.

Шаҳар районларида саноат ишлаб чиқариши планининг йилнинг беш ойи мобайнида бажарилиши ва ўсиш суръати қуйидаги маълумотлар билан изоҳланади:

Шаҳар районлари	Реализация бўйича планнинг бажарилиши, процентларда: 1984 йилнинг майида	1984 йилнинг январь-майида	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати, процентларда: Реализация бўйича	Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	Меҳнат унумдорлиги бўйича	Шу йилнинг январь-майида планга кўшимча маҳсулот реализация қилиш бўйича социалистик жамбурлитнинг бажарилиши, процентларда
Шаҳар бўйича:	100,7	101,6	103,9	106,2	105,5	132,8
Акмал Икромов районн						
Бектемир районн	102,1	102,6	97,6	105,5	100,6	155,1
Мирзо Улуғбек район	102,1	101,1	104,9	106,7	106,4	93,5
Миробод районн	103,0	101,6	103,7	104,5	103,7	178,9
Сергели районн	101,5	102,5	104,0	104,1	105,6	210,0
Собир Раҳимов районн	101,5	102,3	104,6	104,9	105,4	144,9
Учтепа район	102,8	101,5	106,9	105,9	105,0	99,0
Чилонзор районн	101,5	102,1	107,2	104,5	105,1	171,8
Яккасарой район	93,3	99,5	103,6	100,1	98,8	—
Яшнобод районн	100,9	102,0	101,9	112,0	110,0	143,9
Ҳамза районн	103,9	103,0	116,5	110,8	105,7	135,3

1984 йилнинг январь — май ойлари мобайнида Тошкент саноати корхоналари қўшимча 24 миллион 928 минг сўм маҳсулот реализация қилди. Шу жумладан Акмал Икромов районидаги 1.287 минг сўмлик, Киров районидаги сўмлик, Куйбишев районидаги 4026 сўмлик, Ленин районидаги 3.848 минг сўмлик, Октябрь районидаги 2.419 минг сўмлик, Собир Раҳимов районидаги 1.653 минг сўмлик, Сергели районидаги 1.461 минг сўмлик, Чилонзор районидаги 1001 минг сўмлик, Ҳамза районидаги 8.521 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди.

Шаҳар индустрияси январь — май ойлари мобайнида мамлакат халқ хўжалигига 161 километр шланг ва симлар, 10 компрессор, 14 йигирув машинаси, 28 трактор, 30 пахта териш комбайни, 43 пахта сеялкаси, 35 чанглагич-пуркагич, 175 тонна қоғоз, 190 минг устки ва ички трикотаж буюмлари, 7 минг жуфт чулки-носки буюмлари, 8 минг жуфт пойафзал ва бошқа буюмлар берди.

Кўпгина корхоналар шартномадаги мажбуриятларини амалга ошириб, муҳим буюмлар ишлаб чиқариш ва буюртмачиларга етказиб бериш бўйича беш ойлик топшириқни муваффақиятли адо этдилар. Шу билан бирга 9 корхона беш ойлик иш якуни бўйича саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича план-топшириғини уддалай олмади. Булар подшипник ремонти, енгил металл конструкциялар, 5-гишт заводлари бошқармаси, Сергели мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, бош кийимлар, упаэлик, қоғоз фабрикалари; 2-уйсозлик, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ишлаб чиқариш корхоналари комбинати, ёг-мой комбинати ва бошқа корхоналар ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришда юксак суръатларга эришдилар.

Шу кунларда меҳнат коллективларида йилнинг беш ойи мусобақасига якун ясаляпти. Шуниси муҳимки, илғор тажрибани тўла ўрганиш ва оммалаштириш, бригадаларнинг, асосий ва ёрдамчи касбдаги ишчиларнинг меҳнат беллашувини янада таъсирчан қилиш ғоят муҳимдир.

Ишнинг манфаатлари бир қатор бригадалар, участкалар, цехлар ва корхоналардаги қолоқликни бартараф этишни, меҳнат ва технология интизомининг аҳволи учун раҳбарлардан талабчанликни оширишни тақозо этади. Ишлаб чиқариш суръатининг шундай бўлишини таъминлаш зарурки, токи январь — июнь ойлари учун қабул қилинган халқ хўжалиги планлари ва мажбуриятларини бажариш билан бирга, беш йилликнинг тўртинчи йили иккинчи ярмидаги муваффақиятли иш учун қулай шароитлар яратиш мумкин бўлсин.



МУСОБАҚА АВЖ ОЛМОҚДА

Ҳар куни Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг маркаси қўйилган 3 миггга яқин эркаклар костюми республикамизнинг 70 дан знёд савдо базаларн ва йирик магазинларига етказиб берилади. Бирлашмада бундан ташқари ёшлар ва ўсмирларнинг пиджаклари, курткаларн ва шимларн, ўқувчиларнинг мактаб формаларн ишлаб чиқарилади.

Бирлашма коллективи социалистик мусобақанинг биринчи квартал якунларига кўра ғолиб деб топилдн. Унга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди. Тикувчилар ўртасида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақа тобора кенг кулоч ёймоқда.

СУРАТДА: Александра Степановна Хавайло (чапдан иккинчи) ўзининг собиқ шогирдлари, ҳозир илғор ишчилар (чапдан ўнгга) Умида Ҳамидова, Гулнора Тоҳрова, Барно Тошпўлатова ва Рашида Камолова билан. Александра Степановна бригадасига бундан ўттиз уч йил муқаддам келган эди. Ҳозир унн ва ягона наряд бўйнча ишлаётган бригадасинн кўпчилик яхшн билади.

Р. Шамсутдинов фотоси (ЎзТАГ).

РЕКОРД КЎРСАТКИЧ

Яхши гапнинг қаноти бор дейишади. 2-троллейбус депоси ҳайдовчилари орасида хушхабар тарқалди. 2243-номерли троллейбусни 2-маршрутда бошқарган Виктор Игошкин 3 йилу 6 ойлик планини 123.1, шу маршрутда 2201-номерли машинани моҳирлик билан бошқарган Абдулла Турсунхўжаев 125,3 процент бажариб катта зафар қучдилар. Виктор 88115 километр ўрнига 108438. Абдулла 53936 километр ўрнига 67589 километр йўлни хатарсиз босиб ўтдилар.

Рекордчи ҳайдовчилар сафи ортиб боряпти. У. Қосимов, А. Сасов 141808, Г. Мильмейстр 154606. Ю. Майоров 106193 километр масофани троллейбусда 3,5 йилда босиб ўтишга муваффақ бўлдилар.

Авариясиз юрувчилар мастерлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига «Миллионер ҳайдовчи» фахрли номини олиш иштиёқида аҳолига юксак маданий хизмат кўрсатмоқдалар.

Илғорлар ғайрати

БУГУН

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнат илғорлари Гулнора Мустафоева, Наталья Панкина, Феруза Холиқоваларнинг меҳнат календарларида ўн иккинчи беш йилликнинг январь ойи бошланди. Республика юбилейига бағишланган социалистик мусобақада пешқадамлик қилаётган машъаллар-нинг издошлари корхонада кўплаб топиладн. С. Тўпаева, Х. Солиҳова, Л. Олимбекова, А. Сидиқова, Д. Умарова, В. Моисеевалар ҳозирги кунда беш йиллик план-топшириқларини бажариш арафасида туришибдн. Уларнинг ҳар бнрн кунлик топшириқни 140—150 процентга етказиб бажаришга муваффақ бўлмоқда.

Йилнинг беш ойи давомида бирлашма чеварлари 37 хил янги моделдаги хушбичим пальтолардан 115 минг дона тайёрлашга эришдилар. Бу 17 миллион 525 минг сўмлик маҳсулот демакдир. Ушбу миқдорнинг ярмидан кўпи фахрли беш қирралн белгн билан мухрлангандир. Айни пайтда давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган пальтолар маҳсулот умумий ҳажмининг 61,60 процентини ташкил этади.

10 ВА 221-САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА ЎРНИ БЎШАБ ҚОЛГАН ДЕПУТАТЛАР ЎРНИГА ЎН САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ШАҲАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар тўғрисида»ги Қонунининг 54-моддасига мувофиқ, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети **қарор қилади:**

10 ва 221-сайлов округларида ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига 18-чақириқ халқ депутатлари шаҳар Советига сайлов 1984 йил 8 июль (якшанба) куни ўтказилсин.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. КОЗИМОВ.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари М. МАРТЬЯНОВА.

10 ВА 221-САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДАЎРНИ БЎШАБ ҚОЛГАН ДЕПУТАТЛАР ЎРНИГА ЎН САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар тўғрисида»ги Қонунининг 24 ва 54-моддаларига мувофиқ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҚАРОР ҚИЛАДИ:

10 ва 221-сайлов округлари бўйнча ўн саккизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг составн тасдиқлансин.

10-САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА

Округ сайлов комиссиясининг раиси —**Умаров** Шоносир Каримович —тез ва шошилинч медицина ёрдами кўрсатиш махсус автобазаси Ўзбекистон Коммунистик партияси бошланғич ташкилотидан.

Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари—**Захарина** Раиса Петровна — тез ва шошилинч медицина ёрдами кўрсатиш махсус автобазаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Округ сайлов комиссиясининг секретари —**Дадажонова** Шаҳодат Мухторовна — 10-болалар поликлиникаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари:

Ортиқов Яшнар Собитович —тез ва шошилинч медицина ёрдами кўрсатиш махсус автобазасининг бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Володина Тамара Ильинична — тез ва шошилинч медицина ёрдами кўрсатиш махсус автобазасиҳ Ўзбекистон Коммунистик партияси бошланғич ташкилотидан.

Дементьева Алла Анатольевна — тез ва шошилинч медицина ёрдами кўрсатиш махсус автобазаси бошланғич касаба союз ташкилотида.

Иброҳимов Собир Тургунович —тез ва шошилинч медицина ёрдами кўрсатиш махсус автобазаси Ўзбекистон Коммунистик партияси бошланғич ташкилотидан.

Норбеков Шуҳрат Анварович—тез ва шошилинч медицина ёрдами кўрсатиш махсус автобазаси Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Содиқов Ҳайрулла Ҳабибуллаевич—тез ва шошилинч медицина ёрдами кўрсатиш махсус автобазаси Ўзбекистон Коммунистик партияси бошланғич ташкилотидан.

Селезнева Любовь Евгеньевна — 10-болалар поликлиникаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Шукуров Асқар Хайитович— тез ва шошилинч медицина ёрдами кўрсатиш махсус автобазаси Ўзбекистон Коммунистик партияси бошланғич ташкилотидан.

Шевирёва Галина Ивановна— 10-болалар поликлиникаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Юнусова Умида Илҳомовна— 10-болалар поликлиникаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

221-САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Гилязов** Фердус Гарафович — «ГипроНИИполиграф» Давлат лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот институти Ўзбекистон Коммунистик партияси бошланғич ташкилотидан.

Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари—**Қурбонов** Уроқбой Отамуродович— полиграфия техникуми бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Округ сайлов комиссиясининг секретари — **Сазонова** Капитолина Гавриловна — «ГипроНИИполиграф» Давлат лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари:

Бобабекова Роза Юрьевна— «ГипроНИИполиграф» Давлат лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Бобохонов Мурод Турмаевич —«ГипроНИИполиграф» Давлат лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот институти Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Бобликов Станислав Афанасьевич —«ГипроНИИполиграф» Давлат лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот институти Ўзбекистон Коммунистик партияси бошланғич ташкилотидан.

Усмонова Лола Ёқубовна— «ГипроНИИполиграф» Давлат лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. КОЗИМОВ.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари М. МАРТЬЯНОВА.

• Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

Ҳар биримизнинг ишимиз

Жонажон шаҳримиз йилнинг барча фаслида ҳам гўзал бўлади. Ёзда эса кўм-кўк дарахтлари, бири-биридан чиройли гуллари билан кўча ва микрорайонларга гўзаллик бағишлайди, шаҳар ҳавосини мусаффолаштиради. Шаҳарни кўкаламзорлаштирилган зоналари, дов-дарахтларини кўпайтириш учун бу йил баҳорда ўтказилган ойликда ҳам 1 миллион 398 минг туп дарахт ва ғишт тўсиқ ўтқазилди. Бу ўтқазилган дарахтлар сувсизликдан қуримаяптими, ғишт тўсиқларга шакл бериш қай аҳволда? Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети йиғилишида шу масала кўрилди.

Шуни айтиш керакки, шаҳримиздаги корхона ва ташкилотлар бу борада сўнгги вақтларда бир мунча ишлар қилишди. Аммо, бу бажарилаётган ишлар етарли даражада эмас. Район ободонлаштириш бошқармалари, ташкилот ва корхоналар, уй-жойлардан фойдаланиш участкалари, ўқув ва даволаш муассасаларининг масъулиятсизлиги билан дарахтлар қуримоқда, ғишт тўсиқларга ўз вақтида шакл берилмаётир.

Куйбишев районидаги Никитин кўчаси муолишида жойлашган 392, 396, 398, 373-уйлар атрофига ўтқазилган ғишт тўсиқлар ҳар қаёққа тарвақайлаб ётибди.

Дарахтларнинг қуриб қолмаслиги ва ғишт тўсиқларга ўз вақтида шакл бериш учун фақат мутасадди ташкилотлар ғамхўрлик кўрсатибгина қолмасдан, балки барча аҳоли актив иштирок этиши керак. Дарахтларни суғориш, ғишт тўсиқларга ўз вақтида шакл бериш билан шаҳримизни янада обод ва кўркам қилишга ўз ҳиссамизни қўшаётганлигимизни унутмаслигимиз лозим!

• Қардошлик қонунига биноан

Оромингиз завқли бўлсин, Газли болалари!

Газетхонларимиз Газли зилзиласи, ер ости офатининг оқибатларини тугатишда барча иттифоқдош республикаларнинг қардошларча ёрдами тўғрисида ҳикоя қилувчи репортажлар туркумини яхши билишади. Ҳозир газчиларнинг ёш шаҳри қайта бунёд этилмоқда. Мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан қурилиш материаллари олинмоқда. Комсомол ва ёшлар бу ердаги зарбдор қурилишларга бориншяпти.

Газли аҳолисининг ҳар уч кишисидан бири мактабга ёки болалар боғчасига қатнашини эслатиб ўтамиз. Уларнинг ёзги дам олиши қандай ташкил этилган? «Тошкент оқшоми»нинг махсус мухбири репортажи ана шу ҳақда ҳикоя қилади.

Ёз бошланиши билан зилзила оқибатларини тугатиш штаби бошлиғининг ўринбосари Иброҳим Исмоилович Сафаровнинг юмуши кўпайиб кетди. Уч минг ўғил ва қизни пионер лагерларига, меҳнат ва дам олиш лагерларига жўнатиш лозим. Ҳозиргача штаб жойлашган вагончалар олдида автобуслар турна қатор турибди. Уларнинг барчасига: «Эҳтиёт бўлинг, болалар» деган сўзлар ёзилган. Газли қўшишнинг жазирамасида қорайган ўнлаб бахтиёр, қувноқ болалар бу автобусларни ўраб олишган. Бугун бу ерда икки ранг— оқ ва қизил намоён.

Эски танишим, «Газлинефтегазбобича» ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол комитетининг секретари Амин Шароповни учратиб қолдим.

— Июлнинг дастлабки кунларида чиндан ҳам ишимиз кўпайиб кетди,—деб ҳикоя қилади у. — Болаларимиз учун мамлакатимизнинг ўнлаб шаҳарларидаги корхоналар ва ташкилотлар, партия комитетларидан таклифномалар келди. Иттифоқимиздаги энг яхши пионер оромгоҳлари болаларимизга бериб қўйиладиган бўлди. Бу мисолдан барча совет халқларининг бузилмас дўстлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Кўпгина болалар йиғиладиган жойга оталарини билан келишди. Бошқалари қаёқда қолишдийкин? Чунки қурилиш майдонларида иш давом этмоқда. Асосий иншоот тўла қувват билан ишлаб турибди. Айрим болаларнинг ота-оналари шу дақиқада меҳнат вахтасида туришибди. Лекин бу гўзал кайфиятни бузмайди, музика ва қўшиқ янграмоқда.

Ниҳоят команда берилди: «Машиналарга чиқилсин». Сўнгги хайрлашув, панд-насиҳатлар ва колонна йўлга тушди.

Автобусда еттинчи синф ўқувчиси Юрий Тўраев билан танишиб қолдим.

— Биз ҳар йили пионер лагерига бориб турар эдик, уларнинг ҳаммаси шу атрофда эди. Энди эса биринчи марта узоқ жойга оряпмиз.— Мен Ўзбекистондан ташқарига чиқмаганман. Бугун эса Челябинск атрофига оориб дам олишимизни айтишди.

Ўзбекистон пойтахтида болаларни кутиб олиш учун ҳамма нарса муҳайё этилган. Пассажирларни ташиш хизмати аниқ ишлаяпти.

— Биз Газли фарзандларини мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларига жўнатиш учун пухта тайёргарлик кўрдик,— деб ҳикоя қиладн Тошкент аэропорти пассажир хизмати бошлиғи Рафаэль Собирович Шаропов. — Қўшимча махсус навбатчи самолёт ажратилган. Болалар Тошкентга келиши оилан ҳужжатлар тезда расмийлаштирилади ва самолётлар Симферополь ва Москвага, Челябинск ёки Ростовга парвоз қилади. Ҳар куни саксон бола бу ердан дам олишга жўнаб кетяпти.

Оромингиз завқли бўлсин, болалар!

Газли— Тошкент. «Тошкент оқшоми» махсус мухбиридан.

● ФУТБОЛ

«ПАХТАКОР» — «ДИНАМО» (Киев) — 0:1

Кеча футбол бўйича СССР чемпионатининг навбатдаги турида «Пахтакор» ўз майдонида Киев динамочиларидан 0:1 ҳисобида мағлубиятга учради. Учрашув тақдирини ҳал қилган ягона тўпни О. Блохин ўйинининг 7-минутида киритди.

Шу турнинг қолган учрашувларида қуйида ги натижалар қайд этилди: «Спартак»—АСК — 1:6, «Металлист» — «Қайрат» — 3:0, «Шахтёр» — МАСК — 1:2, «Нефтчи» — «Жальгирис» — 0:0, «Динамо» (Тбилиси) — «Динамо» (Минск) — 2:0, «Торпедо» — «Днепр» — 0:1, «Арарат» — «Зенит» — 1:2.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи чет мамлакатларда ишлаб турган совет пахта териш техникаси учун ўттиз минг сўмлик эҳтиёт қисмлар юборди. Корхона бу йил Сурия, Греция, Эфиопия, Анголага 50 та пахта териш агрегатини етказиб беради.

●

Юнусобод массивининг СГ—3 кварталида яна бир беш қаватли 85 квартирали замонавий турар жой биноси «яхши» баҳо билан фойдаланишга топширилди. Янги уйни 1-уйсозлик комбинати 26-қурилиш бошқармасининг С. Маҳмудов бошлиқ комплекслашган коммунистик меҳнат бригадаси тез ва соз бунёд этди.

ОБ.ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 29 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво бироз булутли бўлса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 18—23, кундузи 34—39 даража иссиқ бўлади.

ПАРТИЯ КЎРСАТГАН ЙЎЛДАН

Республикада 22 мингдан ортиқ комсомол маҳаллий партия комитетларининг депутати этиб сайланган, улар давлат ишлари бошқаришда бевосита иштирок этишмоқдалар. 5 мингдан кўпроқ мактаб ўқувчилари, касб-ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари, олий ўқув юртларининг ўқувчилари, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўрта ва олий маълумотга эга бўлиш учун ўқишга тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг 9 июнь куни бўлиб ўтган пленумида ана шулар ҳақида гапирилди. Унда КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг якунлари ҳамда республика комсомол ташкилотларининг ўртоқ К. У. Черненко Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган кўрсатмалар ва топшириклардан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама этилди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов доклад қилди.

Докладда ва нутқларда таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон комсомоллари, барча меҳнаткаш ёшлари КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг социалистик демократияни янада такомиллаштиришга, ёш авлодни тарбиялаш, уларга таълим бериш ва ҳунарга ўргатишни яхшилашга қаратилган қарорларини қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Нотиқлар ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумда, еўнгра эса комсомол ходимларининг умумармия кенгашида сўзлаган нутқларида комсомол иши форма ва методларини янада такомиллаштиришга доир конкрет ҳаракат программаси белгиланганлигини қайд этиб ўтдилар.

Комсомол комитетларининг фаолиятида, ёшлар билан бутун сиёсий-тарбиявий ишларда ҳали талайгина камчиликлар борлиги таъкидланди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетров нутқ сўзлади.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди.

Партия ишига ўтганликлари муносабати билан А. П. Володарский Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг иккинчи секретари вазифасидан, Ш. Н. Маҳмудова — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети секретари вазифасидан озод этилдилар.

Илтари ВЛКСМ Марказий Комитети секторининг мудири бўлиб ишлаган Е. В. Гревцов Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг иккинчи секретари қилиб сайланди. Илгари Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари комитетининг раиси бўлиб ишлаган М. А. Раҳимбердиева Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари этиб сайланди. Р. Н. Тоштемирова Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари комитетининг раиси қилиб сайланди.

Пленум ишида ВЛКСМ Марказий Комитети комсомол ташкилотлари бўлимининг мудири В. П. Соловьев иштирок этди.

(ЎзТАГ).

Бригада пудрати—қурилиш қудрати

Тўрт миллион сўмлик маблағ

Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасига қарашли 11-«Внсотстрой» трести «Спецжелезобетонстрой» бошқармасининг Мухтор Ҳабибуллаев бошлиқ бригада коллективи ана шу суммага пудрат шартномаси тузди.

Бригадир қурилишга 1958 йили ўрта мактабни тугаллаб келганди. Унда бор-йўғи 18 ёшда эди. 1962 йилдан буён бригадага етакчилик қилиб келяпти. Партия сафига кирди. Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари билан мукофотланди. Ўтган йили Тошкент халқ хўжалиги институтининг иқтисодчи-таъминотчи мутахассислиги бўйича сиртдан тамомлади. Ўз ҳамкасблари билан бирга В. И. Ленин Марказий Музейининг Тошкент филиалини, Матлуботчилар уйини, Халқлар дўстлиги саройини, «Узгипросельхоз» институти биносини, 80 ўринли икки қаватли гаражни ва бошқа бир қатор биноларни қуришда фаол иштирок этди....

1981 йили Бош бошқармада ва трестда коллектив фойдаланиш учун мўлжалланган ҳисоблаш марказининг ноёб биноси қурилишини кимга топширамиз, деган савол кўндаланг бўлиб қолди. Шунда раҳбарлар бу масъулиятли вазифани яна М. Ҳабибуллаев бригадасига юклашди. Қурилиш майдони ҳам масъулиятли жойдан, В. И. Ленин проспекти ёнида, шаҳарнинг марказий майдони ён бошидан танлаб олинди. Меҳнатда донг таратган коллектив бу ерга уч йил муқаддам келган эди. Улар келишганда бу ерда фақат улкан ҳандаққина бор эди. Бинонинг пойдевор қисмини бунёд этиш, 16 қаватли бинони монтажлаш, бундан ташқари инженерлик коммуникация учун қўшимча қурилишни амалга ошириш учун тўрт миллион сўмлик маблағни ўзлаштириш зарур эди.

Тажрибали бригадир ўйланиб қолди. Ана шу суммага пудрат шартномаси тузсакмикан? Бу қурилиш норматив муддатини қисқартиришга олиб келмайдими? Лекин Ҳабибуллаев бундай ҳажмдаги пудрат ишига на бошқармада, на трестда ҳеч ким рози бўлмаслигини биларди. У тавакkал қилди. Бу машаққатли йўлдан қайтмади. Қурашди. Аввал ўртоқлари билан маслаҳатлашди. Улар маъқуллашди. Ҳатто, бошқарма ва трестдагилар ҳам бу ғояни маъқул топишди. Ҳужжатлар ҳаммаси расмийлаштирилди. Мана кўриб турибсизки, баланд қаватли бино кўз ўнгимизда қомат кўтарди. Меъморчилик жиҳатидан ажойиб кўринишга эга бўлган оу бинонинг ташқи деворлари Ғазалкентнинг кўкимтир мармари оилан пардозланмоқда. Бу бино шаҳарнинг кўпгина нуқталаридан кўзга яққол ташланади. Мазкур муҳташам бинонинг тайёр ҳолга келишига яна бир йилдан ортиқ вақт бор. Лекин унинг ҳозирдаги қиёфаси пойтахт архитектурасини яна бир бор ноёб иншоот билан бойиганидан далолат беради.

— Иш осон кўчмаяпти, — дея тан олди Мухтор ака. — Ҳали биз бундай баландликларга кўникмаганмиз. Юқорида металл ва темир бетон конструкцияларни монтаж қилишга қодир эканликларини исботлаб бердилар. Бироқ, Сергелидаги завод «БШЛ» типидаги конструкциялардан атиги 20 куб метр етказиб беряпти, холос. Буюмлар етказиб беришдаги узилишлар шу билан изоҳланадики, қурилиш ишлари технологиясининг кетмакет давом этишини ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилмоқда. 40 киши ҳар ойда 70—80 минг сўмлик иш бажарищи мумкин. Бу ҳозирда икки баравар камайиб кетяпти. Иш суръатини маҳсулот етказиб бермаслик тутиб турибди.

Бугунги ва эртанги Тошкентни бунёд этаётган олтин қўлли кишилар тўғрисида Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармаси доимо ғамхўрлик қилиб келади. Илғорлар мақталади, партия ва касаба союз мажлисларида намуна қилиб кўрсатилади. Уларнинг тажрибаси оммалаштирилади. Уларга биринчи навбатда энг яхши турар жой берилади. энг яхши курортларга йўлланмалар ажратилади. Умуман бир сўз билан айтганда, уларнинг фаровонлиги учун барча қулайликлар яратилади. Албатта бунда трест ва бошқарманинг роли катта-дир. Лекин масаланинг иккинчи томони бор. Нима учун улар баъзи коллективларда юксак меҳнат унумдорлигига эришиш учун зарур бўлган шароитларни яратиб бермайдилар?!

Бригада пудрати — қурилиш қудратидир. Бу — ҳозирги замон хўжалик юритишининг мактабидир. Унинг сиёсий, иқтисодий ва социал аҳамияти ниҳоятда катта. Шунинг учун ҳам М. Ҳабибуллаев бригадаси ва бошқалар бошлаб берган бу хайрли иш ўзининг ниҳоясига, сўнгги маррасига етказилиши керак. Ваҳоланки, илғорлардан юзлаб коллективлар, минглаб ишчилар ўрнак олишади, уларнинг тажрибасидан ўрганишади.

И. АҲМЕТОВ,
«Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбири.

• ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИГА—КЕНГ ЙЎЛ

ПИШИҚ ВА ЧИРОЙЛИ

Тошкентдаги «Малика» трикотаж бирлашмасининг газламалар диссенатори — «конструктори» Л. Бакулина яратган бахмалнинг икки янги тури пишиқ ва чиройлилиги билан ажралиб туради. Полиэфир ва вискоздан тайёрланган кумушсимон рангли бахмалнинг биринчи тури ёшларнинг чиройли жемперларини тайёрлаш учун, пахта толаси аралаштирилган полиэфирдан тайёрланган бахмалнинг иккинчи тури эса ёллар костюмлари ва қўйлаклари учун ишлатилади. Янги газламани ишлаб чиқариш учун тавсия этган республика бадиий кенгаши буларга юксак баҳо берди.

(ЎзТАГ).

• *ЯХШИ АНЪАНАЛАР*



ЎТТИЗ ЙИЛДАН СЎНГ...

Ҳарф танитган, тилимизни бойитган, илм-фан сирларини ўргатган жонажон мактабни, эиёкор ўқитувчи-мураббийларни унутиб бўладими! Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида фидокор ўқитувчилар порлоқ келажак учун ёш болаларни ўқитдилар, пухта илм ва тарбия бердилар. Бундан роппароса ўттиз йил илгари шаҳримиздаги Йўлдош Охунбобоев номли 45-мактабнинг 10-синфини 97 ўқувчи битирган эди. Ҳозир улар етук инсон: ишчи, ўқитувчи, қурувчи, олим ва яхши ташкилотчи. Сўқмоқлардан равон йўлларга — катта ҳаётга олиб чиққан мактаб ва ўқитувчиларини эслашиб, улар куни-кеча Жасорат монументи олдида дийдор кўришдилар.

Даврада суҳбат қизғин борди. Нуроний ўқитувчилар чеҳрасида гул очилиб тургандек эди. Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган ўқитувчи, рус тили ва адабиёти муаллимаси Ася Каримовна Измайлова, Ўзбекистон ва Молдавия ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Фозил Солиев, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси Низом Мавашев, Мухтор Ҳамидов, меҳнат ветерани Осиё Шокирова ва бошқа сидқидил ўқитувчилар ўз талабаларига ўтган кунлар ҳақида мароқ билан сўзлаб беришди.

— Мен ўша йили жуда бахтли эдим, — дейди рус тили ўқитувчиси Ася Каримовна, — тўқсон етти ўқувчимиздан 5 ўқувчи олтин, 3 ўқувчи кумуш медаль олган эди. Боғбон боғи ҳосилидан қувонганидек, ўн йил таълим берган ўқувчиларимиз етуклик аттестати олиб, эл-юрт хизматига отланишганидан бир олам қувонганмиз.

Мактабни битирган ўқувчилардан ҳозирда ўн нафардан ортиғи фан кандидати, иккитаси эса фан доктори даражасини олишган. Тарих фанлари доктори Аҳмаджон Отажонов, медицина фанлари доктори Ҳабибулла Алиев, физика-математика фанлари доктори, Беруний номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Тожибой Бўриев, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги қошидаги Педиатрия илмий текшириш институтининг бош врачи Шуҳрат Турсунов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Эргаш Каримов ва бошқа собиқ талабалар жонажон мактабларида қандай илм олишгани, ўқитувчиларининг эзгу меҳнатларини, ҳозирги кунда эл-юрт бойлигини ошириш, халқимиз турмушини фаровонлаштириш учун Коммунистик партиямиз белгилаб бераётган долзарб масалаларни қандай амалга оширишаётгани ҳақида, ҳаёт ва меҳнат ҳақида, ўз оилалари ва турмушлари ҳақида сўзлашдилар, баҳслашдилар.

Ўттиз йилдан сўнг илм олган мактаблари ва эиёкор ўқитувчилари билан бўлган бу учрашу собиқ талабаларда унутилмас хотира қолдирди. Чиндан ҳам болалик йиллари ўтган мактаби, меҳрибон ўқитувчиларни, синфдош ва мактабдош дўстларни қалб ҳеч қачон унутмайди.

Қ. НИЗОМОВ,
Т. РАСУЛЕВ.

СУРАТДА: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Ася Каримовна Измайлова собиқ ўқувчиларига хотираларини сўзлаб беряпти.

Х. Мирзакаримов фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБЛР ҚИЛАДИЛАР

РЕКОНСТРУКЦИЯ ПЛАНИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

ГАВАНА. Кубалик архитекторлар Гаванани комплекс реконструкция қилиш планини ишлаб чиқдилар. Пландан мақсад Куба пойтахтини янада кўм-кўк ва кўркам қилишдан, шаҳар транспорти ҳаракатини содалаштириш ва такомиллаштиришдан иборатдир. Пойтахт аҳолисининг севимли ҳордиқ чиқариш жойи—23-кўча районида Гавана соҳил бўйини, шунингдек, ЮНЕСКО маданий-тарихий кўриқхона деб эълон қилган эски Гаванани реконструкция қилиш борасида катта ишларни бажариш кўзда тутилмоқда. План бир қанча комиллашган корхоналар яратишни, шунингдек, 800 та автомобиль эгаси курортни кўришни кўзда тутади. Эстакада ҳосил қилиб, шаҳар ичидаги номидаги аэропортга олиб бориш ва тош йўл билан кўча кесишган жойларни бўлади.

ОЛИМЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

КОБУЛ. Афғонистон олимлари кейинги йилларда Кобул давлат музейи учун 85 мингтадан кўп экспонат топиб, уларни реставрация қилдилар. АХДП ҳамда АДР революцион ҳукуматининг сиёсатига мувофиқ мамлакатда санъат, шу жумладан ўтмиш авлодларнинг тарихий мероси халққа хизмат қилмоғи учун ҳамма ишлар қилинмоқда. Музейда қадимги замонлар, юнонлар истилоси ва форсларнинг ҳукмронлик даври, ўрта асрларнинг ажойиб ёдгорликлари кўйилган. Экспонатларнинг кўпи ҳисобланади. Экспонатларнинг тарихий ва бойликларини сақлаш мақсадида халқимияти ҳадимги ёдгорликларини сақлаш борасида қонун қилди.

ХРОНИКА, ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР

ПАРИЖ. Франция жанубий районларининг аҳолиси учун ёввойилашган итлар кулфат бўлди.

Одамлар собиқ дўстларининг ҳужум қилиш ҳолларни кўпайганлигига асосий сабаб уларнинг эгаларн ҳайдаб юборганлигидир. Франция овчилар союзининг экспертлари одамлар ҳайдаган итлар бўридан ҳам ашаддийроқ, демоқдалар. Бундай итлар Юқорн Савойя департаментида ҳар йили 16 бош қорамолни, 300 бош қўйни, 35 та кийик, шунингдек бўғи, тўнғизларни еб, 596 миллион франкли знён етказмоқда.

* * *

ҚОҲИРА. Мисрда Асвондан сал нарида жойлашган Филе оролини «Нил дурдонаси» дейишади. Тарихий ёдгорликлари билан донг таратган бу орол ҳақиқатда энг жозибадор сайёҳ марказларидан бири ҳисобланади. Бу ёдгорликлар кейинги сулола ва грек-рим даврларида қурилган 16 та маҳобатли ибодатхонани ўз ичига оладн.

Оролга борувчи сайёҳлар яқин фурсатда қадимги Миср мабудлари Изида, Гора, Хатор шарафига, машҳур муҳандис ва меъмор Имхотеп, баъзи Рим императорлари шарафига қурилган ибодатхоналар билан танишибгина қолмай, «товуш ва нур» томошаларидан ором ҳам оладн. Миср ва Нубиянинг қадимги тарихи билан таништирув Филе бўсағаларидаёқ бошланадн. Махсус жиҳозланган кемалар ёритилган оролга оҳиста айланиб ўтаётган пайтда сайёҳлар шу ўлканинг ўтмиши, унинг маъбудалари ва қаҳрамонлари ҳақидаги маълумотларни эшитадилар.



Иордан дарёсининг босиб олинган ғарбий соҳилидаги энг йирик шаҳарларидан бири — Эль-Халилнинг марказида яқин орада исроиллар квартал ташкил этишади. Ана шу мақсадда, деб хабар берадн Ғарбий залем пост» газетаси, оккупациячи маъмурлар арабларнинг қаршилик содара қилиб, ана шу районнинг туб аҳолиси—фаластинликларни ўзларидан қувиб чиқаришмоқчи.

СУРАТДА: Эль-Халилдаги исроиллик босқинчи.

Камера-пресс — ТАСС фотоси.

• БИР КОРХОНА ЯНГИЛИКЛАРИ

Коммунист-ишчи намунаси

БУГУН

«Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси машинасозлик заводининг силлиқловчиси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Т. Игумнов 1987 йилнинг сентябрь ойи ҳисобига меҳнат қила бошлади. Коммунист-ишчи бригадасида уч киши меҳнат қилади. Бригада аъзолари ет-тита ўрнига ўнта дастгоҳга хизмат кўрсатиб, бир кунда икки иш куни нормасини бажаришга муваффақ бўлишмоқда.

Пешқадамлар меҳнат қилаётган 4-механикаийғув цехи корхонанинг илғор участкаларидан саналади. Цехда 200 дан ортиқ ишчи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи шарафига ташкил қилинган социалистик мусобақада юксак кўтаринкилик билан иштирок этмоқда. Коллектив юбилей йилининг биринчи кварталида 490 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришди. Май ойида эса пландан ташқари ишлаб чиқарилган маҳсулот 10 минг сўмликдан кўпдир.

Янги маҳсулот

Корхонада аҳоли эҳтиёжига мос буюмлар ишлаб чиқаришга катта эътибор бериб келинмоқда. Биргина юбилей йилининг ўзида бу ерда 1 миллион 294 минг сўмлик турли хил харидоргир маҳсулотлар реализация қилинади. Беш ой давомида 470 минг сўмликдан кўп буюм мазкур корхона маркаси билан республика савдо тармоқларига чиқарилди.

Яқинда бу ерда яна бир маҳсулот оммавий равишда ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу —рангли телевизорлар учун мўлжалланган кўркам столчаларнинг янги модели бўлиб, йил давомида ана шу маҳсулот харидорларга мунтазам етказиб турилади. Айни пайтда корхонада ошхона буюмлари комплекти ҳам муваффақият билан тайёрланмоқда.

Чақирилувчилар слёти

Республика Билимлар уйида Тошкент шаҳридаги мактабларни битириб, мамлакатимиздаги ҳарбий олий ўқув юртларида ўқиш хоҳишини билдирган 600 га яқин чақирилувчи слётга йиғилди.

Бўлажак Ватан ҳимоячилари олдида уруш ветеранлари Совет комитети Тошкент секциясининг раиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Боис Ҳамидович Эргашев, Ленин комсомоли ветерани Аъзам Рустамович Хўжаев, бўлажак офицернинг сиёсий ўқитувчиси Валентина Николаевна Караваева, В. И. Ленин номидаги Тошкент олий умумқўшин командирлар билим юрти сиёсий бўлим бошлиғининг комсомол ишлари бўйича ўринбосари катта лейтенант Владимир Золотухин сўзга чиқдилар.

Сўзга чиққанларнинг ҳаммаси Совет Армиясининг офицери бўлиш катта шараф эканлиги билан бирга Ватанимиз қудратини мустаҳкамлаш, социализм ютуқларини ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифа эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Партиявий талабчанлик билан

ЮЛҒИЧЛАР

ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ҚОШИДАГИ ПАРТИЯ КОМИССИЯСИ ҲАМДА «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА

Мактубда шундай дейилганди: «Ердам сўраб мурожаат қилишга мажбур бўляпман. Бизнинг Куйбишев шоссесининг иккинчи переулогидаги 119/4-уйимиз 1982 йилда капитал ремонт қилинди. Лекин унда ремонт ишлари талаб бажарилди. Баъзи бир квартиралар жарангдор қилиб пардоздан чиқарилди, бошқаларига нимагадир материал етмай қолди. Ремонтчилар айнан шу баҳона билан менинг квартирамда ҳам 2—3 кун ишлагач, кетиб қолишди. Биз яшаётган уй Урта Осиё темир йўлининг уй бошқармаларидан бирига қарайди.

Йўл бошқармаси раҳбарларига бир неча марта мурожаат қилдим, лекин натижа чиқмади, афтидан ремонт учун ажратилган давлат пулларини кимлардир чўнтагига урганга ўхшайди.

Хўш, ремонт учун ажратилган пулни ким чўнтагига урибди! Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси бошлиғининг ўринбосари К. И. Камолов бу саволимизга жавоб бермади: ёки бу масаланн чуқур ўрганмади ёки баъзи бир раҳбар ходимларнинг обрўйини туширгиси келмади.

Яна ўша 1982 йилга қайтайлик. Шикоятчи смета бўйича унга нима ажратилганлигини билишни истаб, турли йўл ташкилотларига қатнайвериб кавушини йиртди. Лекин натижа чиқаролмади. Айни шу пайтда эса Тошкент юк-товар станциясининг 1-вагон депоси бошлиғи А. Раҳмонқулов ўзининг уч хонали квартирасини шинам қилиб ремонтдан чиқарди. Материаллар ҳам топила қолди. Мастер Кожин уларни асосий ишлаб чиқаришга сарфланди, деб рўйхатдан ўчирди. Квартира ремонтида депо ишчилари меҳнат қилишди. Лекин уларга шахсий чўнтакдан эмас, депо кассасидан ҳақ тўланди.

Фақат бир нарса Раҳмонқуловнинг кўнглини бироз хижил қилди. Бу гал депо бош инженери И. Юнусов ундан ўтиб кетмадиммикан! У уйини капитал ремонт қилиш билангина қаноатланмай, ёнига яна бир катта хона қурибди. Қанчадан-қанча ғишт, тахта, цемент, бўёқ ва бошқа материалларни деподан уйига ташиб кетибди. Хўжалик ҳисобидаги бригаданинг ишчилари уникида қарийб уч ҳафта тинним билмай ишлашди, маошни эса деподан олишди.

Афсуски, Тошкент темир йўл бўлимида ўз ишлаб чиқариш бўлималаридаги раҳбарларнинг ҳаккалак отган иштаҳасига ҳеч ким эътибор бермади.

Темир йўл бўлими раҳбарлари 1-вагон депосида мунтазам штат-молия интизоми бузилаётганлиги, иш ҳақи фонди талон-тарож қилинаётганлигини, қонунга хилоф иш ҳақи тўланаётганлигини кўра-била турибб, ўзларини билмасликка олиб юрдилар. Ҳамза район халқ контроли комитети вақтинчалик ишчиларга қонунга хилоф равишда 26 минг сўм иш ҳақи ёзилганлигини аниқлади. Махсус овқатланиш учун ажратилган пул маблағларини сарфлашда жиддий нуқсонларга йўл қўйилди. 1981 йилнинг 1 январидан 1982 йилнинг 1 апрелигача 627 сўмлик миқдордаги 2299 талон қонунга хилоф равишда тарқатилди. Фақат командировка харажатлари учун... дурадгор Галимбековга қонунга хилоф равишда 3,5 минг сўм тўланди. Депода рангли поллар қуриш учун (бунинг учун план ҳам, молия манбаи ҳам йўқ эди) 7 ишчи қабул қилинди. Улар бир пайтда учта жойга аъзо бўлиб, 2,5 минг сўм олишди.

Депо раҳбарлари ўзларига ҳам салмоқли мукофотлар ёзишни «унутишмади». 1982 йилда ихтирочилик ва рационализаторлик ишлари, янги техниканн жорий этганликлари, темир-терсак тўпланганликлари учун Раҳмонқулов 500 сўм, Юнусов 1247 сўм мукофот пулни олди... Бу ишлар бажарилган бўлса майли эди-я.

Ҳозирги пайтда бутун мамлакатда саноат корхоналари ўз кучлари ва маблағлари билан темир йўл вагонлари ва контейнерларни ремонтдан чиқаришяпти. Бу давлат манфаатларини ўйлаб, ҳаракатдаги составнинг оборотини кўпайтириш мақсадида, муҳим халқ хўжалиги юкларини мамлакатнинг турли районларига тезроқ етказиб бериш учун қилинаяпти. Тошкент юк-товар станциясининг 1-вагон депоси коллективи эса эскичасига ишлаяпти. Энг кўп меҳнат талаб қиладиган вагонларнинг ички ва ташқи қисми қўл кучи билан оддий чўткада бўялса, қандай меҳнат унумдорлиги ҳақида гап бўлиши мумкин! Ишлаб чиқариш майдонлари бўшаб ётибди, вагонлар бўяладиган янги корпуснинг ҳам уч йилчадан бери ярми бўш турибди. Депо ва йўл бўлими раҳбарлари ишлаб чиқаришдаги мана шу резервлардан фойдаланишни исташмаяпти.

Ишнинг маънавий томони ҳам муҳим. И. Юнусов депо бош инженери лавозимида ишлаб, ўзининг нотўғри хатти-ҳаракати билан коллектив ўртасида ҳар хил миш-мишлар тарқалишига имкон яратди. Бу унинг раҳбар ва коммунист сифатидаги обрўйига путур етказди. И. Юнусов мансабини суиистеъмол қилишни одат қилиб олди. Иш шунгача бориб етдики, у ўзининг ВАЗ—2101 автомобилини қиммат баҳога сотиб, сал ўтмай янги автомашинага эга бўлди. А. Раҳмонқулов эса йўл клиник шифохонасида даволаниб ётиб, деподан БК—1500 кондиционернни келтиришни ва ўзи ётган палатага ўрнатишни буюрди. Шифохонадан чиққач эса бу қимматбаҳо буюм йўқолди.

Раҳмонқулов керак пайтида давлат ҳисобидан мана шундай ҳотамтойликлар қила олардн. Лекин бу ўз манфаатн йўлида, бошқалар учун-чн! Кунлардан бирида станциялардан бирида 43 йил вагонларни кузатувчи бўлиб ишлаган пенсионер Е. Козлова пенсияга чиқиб кетаётганлиги муносабати билан, деподан эсдалик совға учун озгина пул ажратишни сўраб ариза ёздн. Раҳмонқулов бу ариза устига шундай деб кадрлар бўлимн бошлиғига резолюция қўйдн: «Менинг ҳузуримга кирнинг-да, у нимани сўраётганлиги ҳақида ахборот беринг». Кадрлар бўлими бошлиғи эса ўз бошлиғининг характерини билиб ёки у билан келишган ҳолда, аризачнин 1980 йил 13 мартдан эътиборан ишдан бўшаганлигини ва унга ҳеч қандай ёрдам беришнинг ҳожати йўқлигини ёздн. Е. Козлованинг аризаси қайтарнб берилдн. Шундай қилиб, қаламнн битта тўртиш билан оддий ишчининг кўп йиллик хизматига крест тортилдн.

Ҳатто, гугуртнн ҳам тежаш мумкин дейишади. Вагон депосида бу иборанн бироз ўзгартиришдн: «Совун кўпигнини ҳам тежаш мумкин». Нима учун шундай бўлдн! Бухгалтерлядан олинган справкага мувофиқ, мана бир неча йилдирки, бу ерда 4,5 тоннадан ортиқ совун ишлатилдн, деб рўйхатдан чиқарилади. Ишчилар эса биз билан суҳбатда қўл ювишга совун тополмай қийналаётганликларини маълум қилишдн.

Кекса ишчига — меҳнат ветерапига эсдалик совға учун маблағ бўлмаса, ишчилар қорамойга бсланган қўлларнни ювиш учун совун тополмасалар. Бундай шароитда воқеалар ҳуддн занжирли реакция сингари давом этади. Ходимларнинг қатъий маънавий эътиқоди бўлмаганларн ва қўлн эгрилари катталардан ибрат олишади. Шахсий бойлик орттирнш учун маблағ излай бошлашади.

А. Раҳмонқулов, И. Юнусов ва 1-депонинг янги бошлиғи А. Усмонов кадрларнн ишчанлик фазилатларига қараб эмас, балки шахсий манфаатдорликларидан келиб чиқиб танлаганлар. Натижада 9 та раҳбарлик лавозимнни 2—7 синф маълумотига эга бўлган кишилар, 10 та раҳбарлик лавозимнни, ҳатто, ўрта махсус маълумотн ҳам бўлмаган кишилар эгаллаб турибдн. Айни пайтда 1982—83 йилларда вагон депосидан турли сабаблар билан олий маълумотли 16 мутахассис ва 7 нафар ўрта махсус маълумотли мутахассис ишдан бўшатилдн. Батамом равшанки, техник маълумотн бўлмаган кишилар техника тараққиётн масалаларн билан шуғулланолмайдилар. Айрнм раҳбарлик лавозимларида илгарн жиноят қилганликларн учун қамалган кишилар ишлашяпти.

Илгарн яхши меҳнат анъаналарн билан донг таратган коллективда фисқн фасод авжига чиқдн, турли идораларга туҳмат мактублар ва шикоятлар ёзила бошладн. Бу хат ва шикоятларнн кадр ишчнлар эмас, балки ишлаб чиқариш манфаатларидан узоқ бўлган, гоҳ А. Раҳмонқуловнинг, гоҳ И. Юнусовнинг сохта обрўсини ҳимоя қилмоқчи бўлган кишилар ёзардн.

Гап шундакн, бу раҳбарлар ўртасида ҳам бирлик йўқ эдн. Шаҳар партия комитети қошидаги партия комиссиясига ёзган тушунтиришн хатларида улар давлат маблағларнинн талон-тарож қилинганлигн учун айбни бир-бирларига агдармоқчн бўлишдн. Масалан, Раҳмонқулов курортдан келишига бош инженер совға сифатида квартирасини ремонт қилиб қўйганлигнни айтдн. А. Юнусов эса ўз навбатида гўё, у командировкада бўлганида уйини ремонт қилдирнб қўйганлигни учун Раҳмонқуловга миннатдорчилик билдирган эмиш. Аслида уларнинг ҳар иккиси ҳам сувдан қуруқ чиқмоқчн бўлишдн.

1-вагон депосини кейинги уч йил мобайнида 14 комиссия, шу жумладан, Ҳамза район партия комитети ва халқ контроли комитети бир неча марта текширдн. Афсуски, кўпгина комиссиялар содир бўлган воқеанинг моҳиятини билишга олмадн ва Раҳмонқулов, Юнусов ва бошқаларнинг хатти-ҳаракатнни одилона баҳолашмадн. Бундан ташқари бу комиссияларнинг текширишлари коллективга етказилмадн. Бу яна ҳар хил миш-мишларнинг, янгидан-янги хатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлдн. Аслида эса бу оддий иш эдн: текширув натижаларнинн эълон қилиш ва бунда қатнашган шахсларнинг кнм эканлигнни айтиш, яъни юлғични-юлғич, туҳматчнни-туҳматчи дейиш, муносиб жазолаш мумкин эдн. Лекин шундай қилинмадн. Ҳамза район партия комитети ҳам, район халқ контроли комитети ҳам, Тошкент темир йўл бўлими ҳам давлат маблағнни талон-тарож қилган, кадрларни танлаш ва жой-жойнга қўйиш партиявий принципнни бузган, коммунист деган юксак номга доғ туширган раҳбарларга қаршн лозим бўлган чорани кўрмадилар.

Тошкент темир йўлида [темир йўл бўлимлари вазифасини бажарган] З. Олимжонов] дегн лари ўзларини ноқонуий таётганликларини билса лекин бу ишга панжа қарашдн. Бу ҳам етарли Ҳамза район халқ комитети ўтказган текширишдан сўнг жазоланиши бўлган Раҳмонқулов билан бошқарма ишига ўтказишдн.

Бу ёмон оқибатли келди. 1-вагон депосини янги бошлиғи А. Усмонов давлат ҳисобидан шахсий лик орттириш йўлидан лай бошлади. У ўз ишдаги депода бўёқчи вазифасидаги линни қўйди. Аслида эса ламадан-ю, лекин ишлаб вердн.

Ўзбекистон Компартиясининг Тошкент шаҳар комитети муниципал хўжалиги ходимларининг ти-ҳаракатлари учун Ленин совни КПСС аъзолигидан чиқарилди. Вагон депосининг бошлиғи А. Раҳмонқулов карточкасига ёзма равишда лан қаттиқ ҳайфсан эълон линди. Йўл бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Олимжонов ва бирнчи депоси бошлиғи А. Усмонлар ҳам партиядан қаттиқ жазоландилар.

Шаҳар партия комитети Тошкент транспорт прокурасига бу корхоналарда дор шахслар вазифасини истеъмол қилиш фактларини текширишни топширди.

Ўйлаймизки, бу ишлар ҳовсиз фақат транспорт учун эмас, балки барча учун ҳам ибратлидир.

Ю. ГУЛОМОВ,
Ўзбекистон Компартиясининг Тошкент шаҳар комитети қошидаги партия комиссиясининг аъзоси.

В. ДОЛГОПОЛОВ,
«Тошкент оқшоми» газетасининг масъул секретари.

2 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

11 ИЮНЬ, 1984 й.

Адабиёт ва санъат

- *Рус поэзиясининг қуёши*
- *Янги шеърлар*
- *Дўстлик байрами*
- *Санъатнинг сеҳрли олами*

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ПУШКИНХОНЛИК КУНЛАРИ

АБАДИЙ ПУШКИН

Улкан шеърият байрами, адабиётлар ва халқлар қардошлиги сифатида ўтаётган пушкинхонлик кунларида биз улуғ шоир ижодий меросига, унинг бетакрор шеърияти оламига, Пушкин даҳоси билан боғлиқ анъаналарга яна мурожаат қиламиз. Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, шоир Абдулла Орипов билан суҳбатимиз ана шу ҳақда борди.

— **Пушкин шеъриятининг замонга тириклиги, яшовлигига ҳар бир китобхонни ишонтириб солиб келади. Сиз-чи, бунинг «сири» нимада?**

— Пушкин қўллаган шеърий шаклар ҳозир анъанавий бўлиб қолди. Лекин Пушкин шеърлари эскирмайди?! Пушкин даврини ўнлаб, балки юзлаб шеърий экспериментлар кўлёзмаларидаги шаклий изланишлар ниҳоятда зарур. Лекин у нечоғлик замонавий бўлмасин, ночор бўлмаса, ҳеч қачон ноқулоқмайди. Пушкин даҳосининг ўлмаслигига асосий сабаб — унинг сатрлари орасида гениал шоирнинг юрак садоси уфуриб турибди. Пушкин услубига кўр-кўрона эргашиб олиш керак, деган фикрдан мен йироқман. Ҳар бир шеърият бирламчи навбатда рухий ва маънавий ҳодиса. Истеъдоднинг намоён бўлишини кучи ҳақида гапирганда, Пушкин истеъдодининг **инсоний моҳияти ҳақида** ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Қадимги донишмандлар шундай деганлар: тил, миллат, дин ҳақиқий ижодкор учун нисбий ҳодисадир. Бу ҳеч гап. Масалан, Пушкин ўз халқигача бошқа бирор тил ҳақида тушунча ёки тасаввурга эга бўлмаган бошқа бирор шоирни доҳиёна шоири деб етишаверарди. Рус халқининг бахти шундаки, унинг Пушкиндек жаҳоншумул даҳоси шу халқнинг ўзидай мулки ва ғурури бўлиб қолди. Тил ва миллат чегаралари, турлилиги табиат томонидан ато этган улуғ истеъдод олдида ҳеч нимани билдирмайди. Менинг назаримда, бу белгилар шаклий белгиларга киради. Инсон болалари безабон ғўдаклик чоғида бир-бирига ўхшаш равишда "кулиб ва йиғласалар, ҳақиқий адабиёт ҳам барча эл, халқлар учун барабар. Бизнинг улуғ бобомиз Алишер Навоий ҳам, масалан, Жомий ва Шекспир, Мицкиевич ва Маҳтумқули сингари, яна худди Пушкин каби жами одам болалари учун севикли даҳодир.

— **Шеърият мухлислари, шоирнинг тадқиқотчилари Пушкин фожиаси сабабларини кўп мунозара қилишади. Бу ҳақда сизнинг фикрларингизни билишни истардик.**

— Ҳозирги замон табобат аҳли яраднор Пушкинни бугунги шароитда мутлақо соғайтириб юбориш мумкин эди, деб ҳисоблайдилар. Лавримиз медицинаси имкониятларидан қараганда, чиндан ҳам Пушкин тирик қолиши мумкин эди. Лекин менинг қуйидаги сўзларим баландпарвоз гап ҳисобланмасин-у, Пушкининг жисмини даволаган билан унинг руҳий жароҳатларига ким шифо топа олур эди? Менинг назаримда, ўша машъум дуэлга Пушкини бошлаб борган ва мажбур этган асосий сабаб унинг руҳий изтиробларидир.

Ахир, бу улуғ шоир ғоят қисқа умри давомида ноҳақлик ва ёвузлик устидан энг кўп нолиган зот-ку! Унинг ҳар бир мисрасида «бевафо тўст-жўралар» ҳақидаги гиналардан тортиб, подшонинг ўзига тўғридан-тўғри тегаладиган сатрлар кўплаб учрайди. Шоҳ Александр атрофидаги ялоқхўр Бенкендорф, ҳасадгўй Булгарин ва шунга ўхшаш юзлаб ҳангоматалаб консерваторлар рус халқининг, меҳнаткаш мужикнинг душманлари Пушкиннинг қалбига наштар уриб келдилар. Унинг оддийгина шахсий ҳаёти ва бу ҳаёт билан боғлиқ номус масаласи машъум фожиага туртки бўлган, холос. Аслида Пушкин бутун етмиш етти томиридан оққан қон билан, вужудида силқиб турган изтироб билан ана ўша муҳитга қарши эди. Пушкин атрофида мавжуд соғлом кучлар бўлсада, лекин давримизнинг ҳукмрон доиралари Пушкинни кўролмас эдилар, ундан ҳушомад талаб қилишарди. Худди шу сабабларга кўра, Пушкин билан у яшаётган жамият ўртасида ниҳоятда улкан жарлик пайдо бўлган ва бу тубсиз жар эзгулик куйчисини шафқатсизлик билан ютиб юборди.

Белинскийнинг гувоҳлик беришича, у — Пушкин ўлимидан олти ой бурун ўзи учун қабр ҳозирлатиб қўйган. Пушкиннинг бутун ижодий погоналари негадир сўнгги фожиага қараб ўса борган.

Бас, етар, бас, жон дўстим!
Тинчлик сўрайди юрак.
Кун кетидан кун ўчар,
умримиздан бир бўлак —
Ҳар соат узиб кетар;
биз бўлса иккаламиз
Яшамоқчи бўламиз,
аммо рости — ўламиз.

Бу сатрлар инжиқ шоирнинг кайфиятидан туғилган ўткинчи қайдлар эмас, худди шу янглиғ мисраларни Пушкиннинг замондошлари ижодида ҳам учратамиз. Лекин Пушкин даҳо эди. Даҳо эса бехуда сўзламайди. Мен Пушкин ҳақида ўйлаганда, унинг асарларини варақлаганда, кундалик дафтарларини ўқиганда, бу улуғ зотнинг бутун қалбини аён кўриб тургандек бўламан. Зеро, Пушкин дилидаги биронта тебранишни биронтә одамдан, замондошидан, ёйинки келажакдан сир тутган эмас. Пушкиннинг атрофида қанча етук одамлар бўлмасин, Пушкин улардан анча илгарилаб кетган эди. У ҳатто революциянинг илк ғунчалари бўлмиш декабристлар билан алоқа боғлагани бунинг далилидир. Бундай зотни киборлар даврасидаги масхара қилиши табиий ва уни ўлдириши ҳам ажабланарли эмас эди.

— **В. Г. Белинский Пушкин ижоди ҳақида гапириб: «Пушкин абадий яшайдиган ва ҳаракат қиладиган, ўлим топган нуқтасида тўхтаб қолмайдиган, балки жамият онгида ўсиб ривожланадиган ҳодисалар жумласидандир. Ҳар қайси давр улар тўғрисида ўз мулоҳазасини юритади ва уларни қанчалик тўғри тушунмасин, барибир ҳамиша ўзидан кейинги даврнинг бирон бир янги ва тўғрироқ гап айтиши учун ўрин қолдиради» деб ёзган эди...**

— Пушкин ҳаёт ҳодисаларидан хулоса чиқариб, унга ҳукм сифатида сўнгги нуқта қўйган шахс эмас. Аксинча Пушкин ҳаётни мавжуд қарама-қаршиликлари билан, тўлалигича руҳий оламидан ўтказиб, ижодида акс эттирган зотдир. Тўғрироғи, Пушкин ҳаётнинг уриб турган қалбини «кинолентага олди». Бу чарх эса то тириклик бор экан айланаверади. Демак биз Пушкин билан ҳар дам, ҳар соатда учрашаверамиз. Назаримда, Белинский мана шу жиҳатларни назарда тутган.

— **Улуғ шоирнинг мухлислари жуда кўп. Ҳар бир давр ижодкорлари унинг шеъриятидан ўзига хос саboқлар олади. Сизнингча, адабиётдаги ҳозирги авлодга Пушкиннинг қайси жиҳатлари ибратли?**

— Пушкин ҳам, Данте ҳам бадиий ижоднинг асоси — самимийликдадир, дейишган. Биз бу буюк фазилатни жаҳон адабиётининг барча буюк сиймоларида учратамиз. Ёлғондакам кўз ёш тўкиш нечоғли кулгили бўлса, атайлаб кулиш ҳам шу қадар аянчлидир. Айниқса шоир одам бундай ноқулай ҳолатлардан иложи борича ўзини асрамоғи керак. Қолаверса шоирни, ижодкорни қуршаб турган муҳитнинг оқил вакиллари ушбу қадимий улуғ ҳақиқатни фаҳмламоқлари керак. Хуллас, биз энг аввало Пушкиннинг самимиятидан ибрат олмоғимиз лозим.

Унинг ростгўйлиги, ҳақиқатни хас-пўшламасдан тераан бир инсоний руҳ билан ифодалаши, умуминсониятнинг келажагини ўзида мужассам этган ғоялар, идеаллар учун курашни — бугун Пушкиннинг биз учун ҳам, келажак учун ҳам ҳеч қачон ўз қадрини йўқотмайдиган ижодий васиятлари бўлиб қолаверади.

Суҳбатни
М. АБДУЛЛАЕВ
ёзиб олди.

А. С. ПУШКИН

ҮТИНЧ

Ўзинг асра энди менн, туморим,
Кўнгил чоғларимда менн асрай қол.
Қалбимни чулғаса шубҳа ва малол,
Ўзинг асра энди менн, туморим.

Ўпкилар бузишиб сабру қарорим,
Тегранмн чулғашиб олсалар мутлоқ,
Бутунлар солсалар ваҳший қалдироқ,
Ўзинг асра энди менн, туморим.

Бегона элларда ёзиб хуморим,
Эринчак сукунат қўйнида қолсам,
Оловли жанг ҳиссин қалбимга солсам,
Ўзинг асра энди менн, туморим.

Сирли ва муқаддас офтоб ўзорим,
Алдоқчи, ғаройиб, лазиз туйғулар...
Хиёнат кўкида ботдилар улар...
Ўзинг асра энди менн, туморим.

Ўтган хотиралар — дилдаги зорим,
Қалбим жароҳатин тирнамасин бас,
Алвидо, умидлар, тинч ухла, ҳавас,
Ўзинг асра энди менн, туморим.

Сибирь конларининг тагида
Мағрур сақланг сабот ва чидам.
Ғамгин захмат кетмас беҳуда —
Юксак хаёл, амалингиз ҳам.

Бахтсизликнинг содиқ синглиси —
Умид-қора чуқурда, инон, —
Қўзғар ғайрат, қувноқлик ҳиссин,
Келур орзу этилган замон:

Мушкул жазо илларингизга —
Эркни товшим етган сингари,
Пўлат қопқалардан ўтиб ичкарк —
Севги, дўстлик етади сизга!

Парчаланур оғир кишанлар,
Зиндон қулар ва эрк шодумон
Пешвоз чиқар эшикда у он,
Қилич берур сизга ёронлар.

1827.
МИРТЕМИР таржимаси.

Мен сизни севардим: севгим, эҳтимол,
Қалбимда бутунлай сўнмаган ҳалк;
Севгим сизга энди келмасин малол;
Ҳадди йўқдир ҳафа қилгали.

Гоҳо чўчиб, гоҳо рашк билан мен
Севар эдим, сўзсиз, умидсиз;
Ҳар кишн севса ҳам мен каби севсин,
Чин юракдан самимий, чексиз.

1829.
Илёс МУСЛИМ таржимаси.

ШЕЪРИЯТ ОҚШОМИ

Омон МАТЖОН

«Дарахтлар ва гиёҳлар китоби»дан

ИЛҲОМ ПАРИСИГА

Дединг: — Надир сенга Илҳом париси,
кўнглингда ранг-баранг иқлимлар қурган?!
Надир ул, илоҳий робита тузиб,
руҳингга ғойибдан саслар еткурган!

Ўз умринг чархида нпак қатимлар
гарчи чексиз эмас, гарчи учма-уч,
олис фалакларда юлдузлар билан
меҳр боғлаттирган қандай буюк куч?!

Кипригинг майсасин қатор ёш айлаб,
қоронғулик узра ёқиб вулқонлар,
бир олмос нуқтага жамлаб оламни,
тафаккур уфқингда отган қай тонглар?!..

— Эй дўст, надир менга Илҳом париси?
Кимдир ўз билгича бергувчи фармон?!
Балки ҳар жойдаги жўшқин умид у,
балки ҳар жойдаги жавобсиз армон...

Эмиш, юнонларда, Олимп тоғида
шеърни ёқлагандир Аршнинг эгаси.
Шундан, олий маснад йўриқларидан
шоир воқиф бўлган, бўлган Пегаси.

Аммо айни шу пайт Қипчоқ даштида
Бойчибор боради ўтдай бурқираб.
Туёғнига унинг ғаним қоққан мих
юрагига қадар етиб, сирқираб...

Қай сувратда эди Илҳом париси
бу ваҳшат пойгада, билмам, бу жангда, —
лекин шу сафари бонс Алпомиш
Қўшиққа айланиб қолди ватанда.

Элга ҳақ йўллари торлигин кўриб,
Алишер ҳайкирса — ёнди Қаҳкашон:
«Ким бир гулистонким эрур бу жаҳон,
балке жаҳоне гул ичида ниҳон».

Инсон идрокига етти иқлимни
очди унинг «Садди Искандарийси».
Бу гал ҳам халқнинг азиз орзуси
шоирга бўлмишдир Илҳом париси.

Аммо кўп шоирлар нечун майга ром,
нечун сарвларга фақат маҳлиё,
парвонада кўрар бири эрк рамзин,
бири митти шамда халоскор зиё...

Тўғри! Қафасдаги булбул эди Шарқ,
гулгун чеҳраларнинг эркн—тўрт девор...
Аммо қонидаги ҳур чақмоқларни
ошкор этолдику Машраб — исёнкор!

Кечагина кўрдим: жажжи болакай
келтирди хирмонга бир дўппи пахта,
у ҳали билмайди ўлчаш, сотишни...
Ғўдакман — виждонлар синалар вақтда.


Башорат айтолса замон зайлидан,
феруза бўшлиқдан илғаса хабар,
ҳар гул япроғидан ўқиса достон,
демак, шоир қалби — илоҳий самар...

Мухтор элчилари менинг руҳимнинг
ҳаётнинг ҳар жабҳа-қабатинда бор:
Шаҳбоз юракларнинг қанотидир у,
тушкун кўнгилларга ҳамшира ва ёр.

Қонимнинг тарихи бўйлаб, фидойи,
қўшиклар келмоқда инқила-тура.
Илҳом, бу — элнинг зўр эҳтиёжидан
шоир юрагига тушган ғулғула!

Илҳом, бу—ватанни севмоқ мастона!
Ҳа, суймоқ! Севишнинг бўлмас шартлари!
Менга Ўзбекистон— Илҳом парнси,
унинг қувончлари, унинг дардлари!

● **Омон Матжон**— Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати. «Очиқ дераазалар», «Карвон қўнғироғи», «Енаётган дарахт», «Ҳақиқуш қичқириғи», «Қуёш соати», «Сени яхши кўраман» сингари шеърий мажмуалар ва драматик достонлар муаллифи.



МИКЕЛАНЖЕЛО

Рим.
Авлиё Петр ибодатгоҳи
Улкан бир юракнинг нуридан ёруғ—
Беш юз йил салобат тўкиб турибди,
Қуббаси замонлар оқимин ёриб.

Бу — Микеланжело! Табиат билан
Инсон бирлигининг рамзи, тумори.
Тошлар, ранглар тилин билган сеҳргар,
Буюк орзуларнинг, руҳнинг меъмори.

Бунда тангрини ва уни ҳам ёдлаб,
Неча вақт имонлар покланиб келган.
Бунда унинг машҳур мармар ижоди—
«Исо ўлими» пок сақланиб келган.

У умид, эътиқод таназзулини
Битганди Скистин капелласига[1],—
«Исо ўлими»да қўйди ёнма-ён
Даҳо ва қасосни
ҳақ палласига.

Омонсиз башорат!
Яқиндагина,

Нима ўчи борки бу шоҳ асарга,
Болға билан кириб фитнакаш бир жон,
Уришга улгурмиш ўн икки зарба...

Беш юз йил
авлодлар хотирасига
Бахш этиб бокира сурур, ифтихор,
Шунча эъзозланган ноёб мўъжиза
Бир пасда дарз ичра, бир пасда абгор...

Шоир! Сенинг зеҳнинг қанотли чақмоқ,
Бир лаҳза ёритсин йиллар қаърини,
Эҳтирос вулқонинг кўммасин фақат
Ҳақиқатнинг нозик уфқларини!

Асрларни бўйла, бўйла зулмларни,
Тарихда кўп гаплар жавобсиз қолди.
Нечун ёндирилди Гейне жилдлари,
Маркс қабри яна нечун топталди?

Самарқандниинг асрий обидалари
Ўпца тутилгани яқинда эди.
Ҳазрат Навоийнинг олтин байтлари
Кечагина қора талқинда эди.

Машъум хатоларни Замона бугун
Ўнглаганин кўриб севинсанг гоҳо,
Яна тош қотасан, кўп сотқинларнинг
Юрганини кўриб фаришта лиқо...

Не азиз бошларга, тирик пайтлари,
Балолар ёғилса куйибсан, эй дил,
Мерослар устида қасос чўкичи
Муаллақ қоларкан яна неча йил?!

1. Ватикан ибодатхоналаридан бири. Унинг меҳроби ва равоқларига сувратларни Микеланжело чизган. «Исо ўлими» («Оплакивание Христа») номли ҳайкалтарошлик асари Авлиё Петр ибодатхонасида сақланади.

ТАЖРИБАКАШГА

Сен дарёни найдан оқизма, ўртоқ,
Мўриларда қуриб юрма арғанун.
Тошга тариқ сочиб, кутма мўъжиза,
Чархнинг ҳар гардида бор қонун.

Парижда ҳайкал бор итга, бақага —
Улар ўлган фанний минтақаларда.
Бошингга не келса, бошимизга солавермай,
Аввал синаб кўр-да қурбақаларда.

СУНГГИ ТО КОЛОНКА

● **БОЛАЛАР УЧУН КОНКУРС**

Финляндиянинг Ховинкя шаҳрида болалар ва ўсмирлар тасвирий санъат Давлат марказида бўлиб ўтган болалар расмлари Халқаро конкурси лауреатларн аниқланди. «Менинг жонажон ўлкам» мавзуига бағишланган конкурсга жаҳоннинг 54 мамлакатидан 17 мингдан зиёд расмлар юборилди. Конкурс жюриси унинг қатнашчиларининг юксак бадиий савияси ва маҳоратини муносиб баҳолади. Совет Иттифоқининг ёш рассомлари ҳам катта муваффақиятга эришдилар. Уларнинг кўпчилиги эсдалик мукофотлари билан тақдирландн.

● **КАТТА ШАҲАР МУАММОЛАРИ**

Маълумки, Катта Манила аҳолиси составига Филиппин пойтахти атрофида жойлашган кичик шаҳарлар ва шаҳар типидаги посёлкалар ҳам киради. Энг сўнгги маълумотларга қараганда, шаҳар аҳолиси сони 8 миллион кишига яқинлашиб қолди. Аҳолининг ҳозирги пайтдаги ўсиш суръатлари сақланиб қолса, деб ёзади «Дейли экспресс» газетаси, келгуси ўн йилликлар бошида Катта Манилада 10 миллиондан зиёд аҳоли яшайди. Маҳаллий матбуотнинг таъкидлашича, аҳолининг зич яшаши, пойтахт районларидаги меҳнат, молиявий ва техник ресурсларнинг ҳаддан зиёд концентрацияси бир қатор проблемаларни зудлик билан ҳал этишни тақозо этмоқда. Бу проблемалар скрасига нишсизлик, уй-жой ларнинг етишмаслиги, сув таъминотидаги узилишлар, шаҳар транспорти муаммолари, жиноятларнинг ўсиши киради.

● **ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ— ИНСОН ХИЗМАТИДА**

Бухарестдаги янги Бэнясе турар жой кварталида Қуёш энергиясидан фойдаланиб иситиш системаси яратилди. У рўзғор эҳтиёжлари учун сув иситадиган энг катта системадир. Қурилмалар 8640 квадрат метр майдонни эгаллайди. Система 2234 та квартираии иситади ҳамда иссиқ сув билан таъминлайди. Бу эса йилига 650 тонна шартли ёқилғини тежаш имконини беради.

Руминия Социалистик Республикаси миллий энергетика программасига кўра келгуси йилнинг охирига борнб, 50 минг квартирани иситиш учун Қуёш энергиясидан фойдаланнлади.

● **ЯНГИ ТАНГАЛАР ЧИҚАРИЛАДИ**

Мисрда бир ва беш миср фунти қийматидаги янги тангаларни муомалага чиқаришга қарор қилинди. Маҳаллий матбуотнинг хабар беришига қараганда янги тангаларни чиқариш мамлакатда биринчи радиоэшиттириш станциясига асос солинганлигининг 50 йиллигига бағишланган.

● **САМОЛЕТГА ТИК БОРГАН ҚУШЛАР**

Дунёнинг турли жойларида ўтган йилн самолётлар билан қушларнинг 10 мингта тўқнашуви юз берганлиги ҳисобга олинган. Дехли, Найроби ва Бангкокдаги аэропортлар, деб ёзади «Гардиан» газетаси, самолёт учувчиларн учун энг хавфли аэродромлар ҳисобланади. Айрим аэропортларнинг атрофларидаги дарахтлар кесиб ташланди. Бундан мақсад самолётлар учиб-қўнадиган майдончаларда қуш уялари сонини қисқартиришдир.

● **36 ТА АСАР ЎҒРИЛАНДИ**

Қуролланган уч кишн Неаполдаги Бадиий академияга бостирнб кирнб, XVIII—XIX асрларга оид 36 та асарни ўғирлаб кетган. Полициянинг берган хабарига кўра, ўғирланган бу суратларнинг баҳоси 320 минг долларни ташкил этади.

● **ҚАТТИҚ ҚУРҒОҚЧИЛИК ОҚИБАТИ**

Ҳозирги пайтда кам деганда 34 та Африка мамлакати қаттиқ қурғоқчилик азобини бошидан кечиряпти, деб хабар беради Рейтер агентлиги. Мутахассисларнинг ҳисоблашларича, бундай қурғоқчилик жиддий иқтисодий зарардан ташқари Африкада янги чўл массивларини ҳам юзага келтириши мумкин.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.







УЗОҚ ЗАМОН ХАЛҚ МЕҲРИГА БЎЛАЖАКМАН МУШАРРАФ,
ЧУНКИ РУБОБИМ БИЛАН ЭЗГУ ҲИСЛАР ТУҒДИРДИМ.

Т. Каримов фотоэтюди.

МАДАНИЯТ ХАБАРИ

Театрнинг янги асари

Тошкентдаги рус ёш томошабинлар театрида ёзувчи А. Салинскийнинг «Барабанчи аёл» спектаклининг премьераси бўлиб ўтди. Ижодий коллектив ўзининг янги саҳна асарини совет халқи улуғ Ватан уруши йилларида қўлга киритган буюк ғалабасининг 40 йиллигига бағишлади. Спектакль ўша машаққатли йилларда фронт орқасида ёшларнинг олиб борган жасорати ҳақида ҳикоя қилади. Саҳна асарида артистлардан Т. Смирних, А. Соколов, А. Колмогоров, В. Ладоненко ва бошқалар бош ролларни маҳорат билан ижро этишмоқда.

Янги спектаклга республикада хизмат кўрсатган артист Г. Мустафин режиссёрлик қилган. «Барабанчи аёл» шу ойнинг ўзида театр саҳнасида 12 марта намойиш этилади.

К. РАЗЗОҚОВА.

● *Ўзбекистонда Тунис Республикаси кунлари*

Самимий учрашувлар

Республикамизда ўтаётган Совет—Тунис дўстлиги кунлари катта интернационал дўстлик байрамига айланиб кетди. Бу маданий тадбирда Тошкент билан биродарлашган Тунис шаҳри делегацияси ҳам иштирок этяпти. Дўстларимиз Тошкент замнинига ўз юртдошларининг дўстона саломлари, куй ва қўшиқлари, рақсларини ҳам олиб келдилар.

Пойтахтимизнинг кўркам томошахоналаридан бири бўлган «Баҳор» концерт залида Тунис миллий рақс ансамблининг концертлари катта муваффақият билан ўтди.

Дўстлик байрамида кўзда тутилган тадбирларга мувофиқ Ўзбекистон ССР Рассомлар союзининг Марказий кўргазмалар залида Тунис миллий кийимлари кўргазмаси ҳам намойиш этилди. Кўргазма Африкадаги ана шу дўст мамлакат халқларининг маданиятн, кийимлари ҳақида яхшн тасаввур беради.

СУРАТЛАРДА: тунислик хонанда Фотима «Баҳор» концерт залн саҳнасида; Тунис халқ рақс ансамбли хореографик композицияни ижро этмоқда.

М. Нурмдинов фотолари.





● САНЪАТ ХАБАРИ

БОЛАЛИКНИНГ ШИРИН ОНЛАРИ

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг Совет Ўзбекистони даврий санъати бўлими залларида рассомларнинг болаларга бағишлаб яратган асарлари қўйилди.

Намойиш этилаётган асарлар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби П. П. Бенковнинг «Дугоналар», Ўзбекистон халқ рассомлари З. Ковалевскаянинг «Велосипедда ғолиб чиққан қиз», В. И. Уфимцевнинг «Большевикнинг туғилиши», СССР халқ рассоми Раҳим Аҳмедовнинг «Опа-сингиллар», «Оқтошда баҳор», рассом Баҳром Ҳамдамийнинг «Севимли қўшиқ» каби ўнлаб асарлари томошабинларга манзур бўлаётир.

М. АҲМЕДОВ.

М. Қориёқубов номидаги ўзбек давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

11, 12 ИЮНЬ СОАТ 19.30 да

ЛИРИК ХОНАНДАЛАР ВА РАҚҚОСАЛАР ДАВРАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИГИ-КОНКУРСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ҚИЗЛАРХОН ДЎСТМУҲАМЕДОВА

Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Дилором ҚАЮМОВА, Абдуқосим ТЎЙЧИЕВ, Ҳотам ХОЖИЕВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Раҳима НОСИРОВА, Моҳичеҳра ИСЛОМОВА ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қодир МЎМИНОВ.

Музика раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎЗБЕКИСТОН ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ БОШҚАРМАСИ

1984 ЙИЛДА

ГРАЖДАНЛАР АВИАЦИЯСИНИНГ УЧУВЧИЛИК ВА АВИАЦИЯ БИЛИМ ЮРТЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Граждан авиациясининг ўқув юртларига ўрта маълумотли, танланган мутахассисликларга соғлиғи тўғри келадиган: учувчи, штурман мутахассисликларига —17 ёшдан 22 ёшгача, бошқа мутахассисликларга 25 ёшгача — СССР гражданлари бўлган эркаклар қабул қилинадилар.

Билим юрти —учувчилар, штурманлар, ҳаво йўли ҳаракатини бошқарадиган диспетчерлар, самолётлар ва двигателлар, радио асбоб-ускуналари, самолётлар электр асбоб ускуналари ва приборлари, ёнилғи-мойлаш материаллари эксплуатацияси бўйича техниклар, ердан туриб радио воситалари орқали самолётни бошқариш техник эксплуатацияси бўйича техниклар, учишни ёруғлик-техник жиҳатдан таъминлаш техник эксплуатацияси воситалари бўйича электрчилар, юк ташиш ва коммерция эксплуатацияси хизмати ходимлари, аэропортда механизация воситаларидан фойдаланиш бўйича техник-механиклар тайёрлайди.

Ўқиш муддати —2 йилу 9 ойгача.

АРИЗА ВА БОШҚА ТЕГИШЛИ ҲУЖЖАТЛАР ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

Тошкент шаҳрида — 25 июнгача: 167-алоқа бўлими, аэропорт, қабул комиссияси. Телефон 99-83-17. Медицина текшируви ҳақидаги ҳужжат —25 июлгача;

Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида яшайдиганлардан: Нукус шаҳрида, аэропорт, кадрлар бўлими. Медицина текшируви ҳақидаги ҳужжат — 20 июндан 13 июлгача;

Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё областларида яшайдиганлардан; Самарқанд шаҳрида, аэропорт, кадрлар бўлими. Медицина текшируви ҳақидаги ҳужжат —20 июндан 5 июлгача.

Учувчи мутахассислигини танлаган абитуриентлар медицина текширувидан ўтаётганда жисмоний тайёргарлиги синаб кўрилади.

Техник мутахассислиги ва ҳаво йўли ҳаракати бошқаруви бўйича кириш имтиҳонлари Нукус шаҳрида —13 июлдан 18 июлгача, Самарқанд шаҳрида — 5 июлдан 12 июлгача, Тошкент шаҳрида эса барча мутахассисликлар бўйича — 20 июлдан 6 августгача.

Граждан авиацияси билим юртига киришни хоҳлаганлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: ариза, ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асли), иш жойидан справка (ишлаб чиқариш стажига эга бўлганлар учун), меҳнат дафтарчасидан кўчирма (икки йилдан кам бўлмаган ишлаб чиқариш стажига эга бўлганлар учун), 3х4 см. ҳажмда 6 дона фотосурат, медицина справкаси (286-форма), учувчи, штурман ва ҳаво йўли ҳаракатини бошқарадиган диспетчер, мутахассисликларига топширувчилар руҳий-неврология диспансеридан справка ва нафас олиш йўллари (бурун бўшлиғи)нинг рентген сурати — рентгенолог хулосаси билан.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқаси ҳақидаги ҳужжат қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

Граждан авиацияси билим юртига олий ва ўрта махсус ўқув юртларини битирган шахслардан аризалар қабул қилинмайди.

Кириш имтиҳонлари: математика (оғзаки), рус тили ва адабиёти (иншо). Миллий мактабларда рус тилини ўқиганлар иншо ўрнига диктант ёзишлари мумкин.

Транспорт ва нефть, газни сақлаш, ҳаво йўли ҳаракатини бошқариш, аэропортда механизация воситаларидан техник фойдаланиш мутахассисликларига умумтаълим мактабларини «4» ва «5» баҳолар билан битирган шахслар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Граждан авиацияси билим юрти курсантлари давлат таъминотидан тўла фойдаланадилар. Улар бепул ётоқхона, овқат, формали кийим-кечак ва 5 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртига бориш ва кириш билан боғлиқ бўлган харажатларни кирувчилар ўз ёнларидан тўлайдилар.

Справкалар учун қабул комиссияларига, шунингдек, аэропортлар кадрлар бўлимларига мурожаат қилинсин.

АКТЮБИНСК ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ ОЛИЙ УЧУВЧИЛИК БИЛИМ ЮРТИГА

Ўрта маълумотли, мазкур мутахассисликка соғлиғи тўғри келадиган ва граждан авиациясида учувчилик ишларига инженер-учувчи мутахассислиги бўйича 22 ёшгача бўлган (1 сентябрга эътиборан) эркаклар қабул қилинади.

Билим юртига кириб ўқишни хоҳлаганлар пуллик хат орқали ёки шахсан ариза бериш орқали мурожаат этишлари мумкин.

Бунда қуйидаги ҳужжатлар керак бўлади: аттестат (асли), иш жойидан характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишлаб чиқариш стажи бўлганлар учун), 3х4 см. ҳажмда 6 дона фотосурат, руҳий неврология диспансеридан справка ва нафас олиш йўллари (бурун бўшлиғи)нинг рентген сурати—рентгенолог хулосаси билан.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқаси ҳақидаги ҳужжат қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

Медицина текшируви ҳақидаги ҳужжат ва бошқа ҳужжатлар—20 июндан 25 июлгача қабул қилинади.

Адрес: 700167, Тошкент шаҳри, 167 алоқа бўлими. Аэропорт.

Кириш имтиҳонлари —1 августдан 20 августгача: математикадан (ёзма ва оғзаки), физикадан (ёзма), рус тили ва адабиётидан (ёзма).

Курсантлар тўла давлат таъминотида бўладилар. Уларга бепул ётоқхона, овқат, формали кийим-кечак ва 12 сўм миқдорида стипендия берилади.

Актюбинск олий учувчилик билим юрти қабул комиссияси: Граждан авиацияси академиясига ҳаво йўли ҳаракатини бошқарувчи инженер мутахассислиги бўйича (25 ёшгача бўлганлар);

Кировоград граждан авиацияси олий учувчилик билим юртига инженер-штурман мутахассислиги бўйича ўқувчилар қабул қила бошлади.

Кирувчиларнинг ёши 23 дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Мазкур билим юртига кириш тартиби Актюбинск олий учувчилик билим юрти талаблари тартиби сингаридир.

СПРАВКАЛАР БЎПИЧА АЭРОПОРТЛАР КАДРЛАР БЎЛИМЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН.

ХИМИЯНИНГ БЕБАҲО МЎЪЖИЗАСИ

ХИМИЯНИНГ БЕБАҲО МЎЪЖИЗАСИ БИЛАН

ички кийимлар ва чойшабларни тез ва тоза ювиш, ошхонани ярақлатиб ораста этиш, идиш-товоқлар, ванна, раковина, кафелларни тозалаш ва дезинфекциялаш мумкин.

Бош универсал магазинида

(2-қаватда)

12—16 ИЮНЬ КУНЛАРИ

ОЛМАЛИҚ МАИШИЙ ХИМИЯ ЗАВОДИ ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН

ТОЗАЛАШ ВА КИР ЮВИШ ВОСИТАЛАРИНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ



«ЧИСТОЛЬ», «САНИТАРНИЙ» — ванналар, раковиналар ва кафелларни тозалаш учун;

«БИО», «ВИТА», «ПАМИР», «ЛАНДИШ», «КАШТАН», «СУПЕРАЛЬ»— пахта, жун, синтетикадан ишланган ички кийимлар ва чойшабларни ювиш учун мўлжалланган.

Чўмилиш пайтида сувга қўшиладиган **«ГЛОРИЯ», «БОДРОСТЬ», «ЗОЛОТАЯ РИБКА»** воситалари ҳам бор. Уларнинг таркибига кишининг бардамлигини оширадиган, кайфини чоғ ва кўнглини хушнуд этадиган биохимик актив моддалар қўшилган. Бундай **«ОМУХТА СУВДА»** ювилган соч ялтирайди ва майин бўлиб туради.

ГУМ соат 9 дан 21.00 гача ишлайди.

Адрес: Тошкент шаҳри, Охунбобоев майдони, 21-уй (18, 28, 31, 43, 64, 91-автобуслар; 8, 18-троллейбуслар; 7, 8, 11, 15, 16-трамвайлар; 9, 13, 22, 20-маршрут таксиларининг «ГУМ» ва «Хадра» бекатлари).

ГУМ (телефон 42-27-39).

НИКОҲ ТЎЙИ—ЭЗГУЛИКДИР!

Келин ва куёвларнинг никоҳ тўйи ёшлар учун қувонарли ва унутилмас воқеа бўлса, ота-оналар учун эса мурод-мақсадга етилган энг масъулиятли палладир.

АГАРДА СИЗ ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИНИНГ ИНСПЕКЦИЯСИ БИЛАН НИКОҲ ТЎЙИ УЧУН ЎЗ ВАҚТИДА СТРАХОВАНИЕ ШАРТНОМАСИНИ ТУЗСАНГИЗ ЭНГ МУНОСИБ АРМУҒОН ҲОЗИРЛАГАН БЎЛАСИЗ.

Қуйидаги кишилар страхованнечи бўлишлари мумкин: ота-оналар, фарзандликка олганлар, бувилар, боболар ва 18 ёш ва ундан катта бошқа қариндош-уруғлар. Лекин бунинг учун ўзига хос шартлар бор: страхованиечиларнинг ёши страхование шартномаси муддати тугаш пайтида 73 ёшдан ошмаслиги керак. Шартнома тузилаётган боланинг ёши эса 15 ёшдан ошмаган бўлиши лозим.



Тузилаётган шартноманинг страхование пули страхованиечи ва давлат страхованиеси инспекцияси ўртасида келишилган ҳолда белгиланади, лекин унинг миқдори 300 сўмдан кам бўлмаслиги шарт.

Куёв ёки келин никоҳдан қайд этилганлиги тўғрисида гувоҳномани олишлари шарти билан страхование шартномаси тугаганидан кейин страхование пулини оладилар. Агарда страхование шартномаси фойдасига тузилган шахс 25 ёшга қадар никоҳдан қайд этилмаган бўлса, унга страхование пули 21 процент кўпайтириб тўланади.

18 ва 25 ёш ўртасида никоҳдан ўтган келин ёки куёвга страхование пули процентлар билан, яъни шартнома муддати ўтган кундан бошлаб ҳар бир ўтган тўлиқ йил учун уч процентдан қўшимча ҳақ оладилар.

Бундан ташқари, қондаларда кўзда тутилган жароҳатлар ва бошқа сабабларга кўра боланинг саломатлиги путурдан кетган ҳолларда у страхование қилдирилган ҳисобланади.

Страхованиечи (ёки унинг топшириғига биноан исталган киши) **аъзолик бадалларини тўлаб туриши мумкин:**

— корхона, муассаса, ташкилот бухгалтерияси орқали нақдсиз пул ўтказиш, шунингдек омонат кассаларидаги жамғармалардан пул ажратиш йўли билан;

— нақд пул билан; страхование агентига ёки ҳисоб дафтарчаси бўйича омонат кассалари орқали;

— давлат страхованиеси инспекцияси адресига почта жўнатмаси билан.

Страхованненинг ана шу турн шартлари билан янада батафсил танишиш мақсадида сизнинг корхонангиз, муассасангиз ёки ташкилотингизга хизмат кўрсатиб турган страхование агентлиги ёки исталган давлат страхованиеси инспекциясига мурожаат этиш мумкин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИ БОШҚАРМАСИ (телефон 33-54-73).

ЭРКАКЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

Узоқ вақтлар давомида эркакларнинг модага амал қилишлари одатдан ташқари ҳол деб қараларди. Эркаклар кийимга нисбатан соф амалий муносабатда бўлардилар: киядиган нарса бор бўлса кифоя. Кейин вазият кескин ўзгарди. Эркаклар ташқи кўринишларининг турли-туман бўлишига интила бошладилар. Ўзингиз ўйлаб кўринг: неча ўн йиллар давомида эркаклар гардеробида камзул, костюм, шим устун турарди. Бунинг устига, кашфиётчилар уни қай ҳолда чиқаришган бўлса шу кўриниши деярли сақланиб қолган. Бу кашфиёт XIX асрда, эркаклар кийими бурмалар, ҳошиялар, бошқа майда-чуйдалардан ҳоли бўлгач содир бўлганди.

Ҳозирги кунда эркаклар модаси олами сержило ва қизиқарлидир: бунда классик, спортча ёки аниқроғи спортча—амалий услуб диққатга сазовор. Бу моделчи—рассомларга бой фантазия бахш этади. Улар сўнгги йилларда кўплаб қизиқарли топилмаларни таклиф этишди — юмшоқлик ва айни вақтда силуэт йўналишларининг мураккаблиги, кийимнинг кўп қатламлиги, ўзига хос безакли чизиқчалар, катта қоплама чўнтаклар, хушбичим ёқа, молния, илгаклар кабилар.

Эркаклар костюмлари учун муайян муносабатдаги ранглар танланди — кумушранг тусли, жигарранг — кулранг, жигарранг—бронза ва кўкимтир—ёқутранг.

Сизларни исталган ёшдаги эркаклар учун тикилган костюм моделлари билан таништирамиз. Бу костюмлар Ленин орденли Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли ишлаб чиқариш бирлашмасида тикилган.

Ўрта ёшдаги эркаклар учун кундалик—ишга мўлжалланган кримплен костюм. Камзули—баданга ярим ёпишиб турадиган қиёфада, бир томонда жойлашган икки тугмага қадалади, барча деталларига безакли чизиқ тортилган.

Классик услубдаги кримплен костюм — кундалик—ишга мўлжалланган, бир томонлама тугмали. Ён чўнтаклари кесик тарзида бўлиб қопқоқлидир, елкасининг ўртасидан йўл тикилган ва буклами бор. Деталлари ҳам чизиқлар тортиб безатилган.

Классик услубдаги спортча элементларга эга костюм. Камзули ярим ёпишиб турадиган қиёфада, бир томонлама марказда жойлашган икки тугмага қадалади. Қоплама чўнтакли, елка қисмига йўл тикилган. Барча деталларига декоратив чизиқ тортилган кримплен матодан тайёрланган.

Катта ёшдаги эркаклар костюми. Камзули ярим ёпишиб турувчи тарзда, икки тугмага қадалади. Кесик кўринишдаги чўнтаклари қопқоқлидир. Матоси — кримплен.



ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

Сизга шуни эслатиб ўтамизки, 1980 йил январидан кийимларга белги қўйишнинг янги системаси жорий этилганди. Энди у савдо нишонида белгиланганидек, уч размер кўрсатиши билан ифодаланади.

Масалан: 170—100—88.

Буни қуйидагича тушуниш лозим:

170—кишининг бўйи сантиметрлар ҳисобида.

100—кўкрак қафаси ҳажми сантиметрлар ҳисобида.

88—белнинг ҳажми сантиметрлар ҳисобида.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИ (телефон 41-54-24).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

ТВ

душанба

11 ИЮНЬ

● МТ I

17.45 «Усмирлар ижоди».
18.15 «Ака-ука Знаменскийлар хотираси учун енгил атлетика бўйича халқаро мусобақалар.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.35 «Ишлар ва одамлар». «Сибирь ери».
20.05 А. Корнейчук. «Платон Кречет». Фильм-спектакль.
21.30 «Время».
22.05 «Бу яқиндагина бўлган эди...» Музикали кўрсатув.
23.30 «Дунё воқеалари».
23.45 «Футбол шарҳи».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 Алеут «Унанган» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
19.00—20.30 «Рингга чақирилади». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 Сузиш бўйича СССР чемпионати.
22.20 Н. Тихонов. «Даврлар ва йўллар». Телефильм.
23.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Черноморец». 2-тайм.
23.45 Арфа квартети чалади.

● ЎзТВ I

18.15 Янгиликлар.
18.30 Болалар учун фильм. «Дадам, ойим ва биз».
18.45 «Кувноқ хоровод». Болалар учун концерт.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Пушкинхонлик. «Эрк куйчиси». А. С. Пушкин шеърларн асосида адабий композиция.
20.15 «Мезенда, денгиз бўйида». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Мақом кечаси».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Белорус тупроғидаги учрашувлар». Видеофильм премьераси.
23.10 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.10—18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.45—19.00 «Геннадий Райшев оламни». Телефильм.
19.30 «Жайронлар чўлга мослашишмоқда». Телефильм.
19.40 Врач маслаҳати.
19.55 Тошкент янгиликлари.
20.15 «Тадас Блинда». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.).

сешанба

12 ИЮНЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Концерт залида — мактаб ўқувчилари».
10.25 «Тикланиш». Телефильм.
10.50 А. Корнейчук. «Платон Кречет». Фильм-спектакль.
12.15 Ю. Дранга чалади (аккардеон).
12.35 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар бирмизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар.
15.50 Халқаро конкурслар лауреати С. Стадлер чалади.
16.40 Болалар учун. фильм. «Сен 12 ёшга тўлганингда».
17.45 «Тежамкорлик омиллари».
18.10 «Фиеста Филиппина» ансамблининг концерти (Филиппин).
18.40 «Меъморлик ҳақида монолог». Телефильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильмлар.
19.50 «Фан ва турмуш».
20.25 «Берлиоз ҳаёти». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. Франция ва СССРнинг Венгрия ҳамда Канада иштирокидаги маҳсулоти.
21.30 «Время».
22.15 «Олам кинокамера кўзгусида».
23.15 «Дунё воқеалари».
23.30 «Балерина Кинакова». Фильм-концерт премьераси.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.25 «Ёзувчилар — болаларга». Ҳожиакбар Шайхов.
19.00 «Миллионлар ленинча университети». Партия ва ҳ.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Аньаналар ва замонавийлик». «Баҳор байрами».
20.10 «Авлиё ниқоби остида». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 Лирик концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.15 «Қорақалпоғистоннинг далаларида».
22.30 «Олий мақсад сари». Бадиий фильм. 1-серия.
23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—17.20 МТ II.
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20—18.35 «Заргарлар». Телефильм.
19.05 «Кекса авлод». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Тадас Блинда». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.).
21.30 МТ II

КИНО

11 ИЮНЬ

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«ВАҲИМА — кинотеатрлари: **Ватан** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«МАЙОР КАРДОШ» — кинотеатрлари: **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«УЛИКЛАР СОЯ ТАШЛАМАЙДИГАНДА» — кинотеатрлари: **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«ОЛЧАРАНГ ГИРДОБ» — кинотеатрлари: **Ватан** (жуфт соатларда).

«КОМЕТА» — кинотеатрлари: **Фестиваль** (21.40, телефон 78-02).

«ТИРИКЛАЙИН ОЛИШ БУЮРИЛГАН» — кинотеатрлари: **Хива** (21.40, телефон 33-**Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

25 йиллиги номли (тоқ соатларда, телефон 33-**Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-**Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«СЕМЕН ДЕЖНЕВ» — кинотеатрлари: **матов номли** (жуфт соатларда, телефон 24-

«САЛАМАНДРА» — кинотеатрлари: **кент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ЙЎҚ ҚИЛИШГА ҲАҚЛИ ШИЛСИН» — кинотеатрлари: (катта зал, 11, 13.30, 18.30, 20.45; кичик зал, 17, 19.30).

12 ИЮНЬ

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«ВАҲИМА — кинотеатрлари: МАЙОР КАРДОШ» — кинотеатрлари: (жуфт соатларда, телефон 06-20). **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«УЛИКЛАР СОЯ ТАШЛАМАЙДИГАНДА» — кинотеатрлари: **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«ОЛЧАРАНГ ГИРДОБ» — кинотеатрлари: **Ватан** (жуфт соатларда).

«КОМЕТА» — кинотеатрлари: **Фестиваль** (21.40, телефон 78-02).

«ТИРИКЛАЙИН ОЛИШ БУЮРИЛГАН» — кинотеатрлари: **Хива** (21.40, телефон 33-**Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

25 йиллиги номли (тоқ соатларда, телефон 33-**Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-**Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«СЕМЕН ДЕЖНЕВ» — кинотеатрлари: **матов номли** (жуфт соатларда, телефон 24-

«САЛАМАНДРА» — кинотеатрлари: **кент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ЙЎҚ ҚИЛИШГА ҲАҚЛИ ШИЛСИН» — кинотеатрлари: (катта зал, 11, 13.30, 18.30, 20.45; кичик зал, 17, 19.30).

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

15 ИЮНЬ СОАТ 19.30 да

СССР биринчилиги учун «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ЖАЛЬГИРИС» (Вильнюс) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

«ПАХТАКОР» стадионида кассалари ишлайди. Коллектив бўлиб келувчилар учун заявкалар қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 84-ўрта мактаб томонидан **Халилов Исроилович** номига берилган 905790 номерли йўқолган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент область, Ғазалкент районидаги 59-ўрта мактаб томонидан **Бобожонов Ғайбек Исроилович** номига берилган 331356 номерли йўқолган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент Марказий университет маги коллективи талаба ми ходими Ш. Умаров вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия қилади.

Шавкат УМАРОВнинг

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

11 ИЮНЬ, 1984 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашрнёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р—10273.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10